

ҚАРШИ ТУМАНИ ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ

Э Ў Л О Н И

Танлаш ўтказиш шакли:

Танлаш ўтказиш тўғрисидаги мазкур эълонда кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.

Давлат буюртмачиси:

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

Харид предмети:

Қарши тумани, Бешкент шаҳри Ровот МФЙ худудидagi истироҳат боғини муқаммал таъмирлаш

Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шarti:

954 832 427 (тўққиз юз эллик тўрт миллион саккиз юз ўттиз икки минг тўрт юз йигирма етти) сўм. Шундан ҚҚС: 124543360 (бир юз йигирма тўрт миллион беш юз қирқ уч минг уч юз олтмиш) сўм. Ишларни бажариш муддати шартнома имзолангандан сўнг 90 кунгача

Молиялаштириш манбаи ва валютаси:

Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган "Очик бюджет" жамғармаси маблағлари. Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда.

Тўлов шартлари:

Шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.

Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси

Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:

Исломов Илхом. Тел: 916341508. Қарши тумани, Ўзбекистон мустақиллиги МФЙ, Нурабод кўча №41/2 уй

Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:

Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.

Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:

Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади; таклифларни таъминлаш учун иштирокчининг товар хом ашё биржасидаги махсус ҳисоб рақамида зақалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предмети бошланғич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблағи бўлиши шарт

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи



Д. Даминов

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси Тех назоратчиси

И. Исломов

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси ҳисобчиси

А. Хўжақулов

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи  Д. Даминов
М.Ў



ТЕХНИК ТОПШИРИК

Қарши тумани, Бешкент шаҳри Ровот МФЙ ҳудудидаги истироҳат боғини мукаммал таъмирлаш

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ МАЗМУНИ	ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ
Танлаш ўтказиш шакли:	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатда танлаш иштирокчиларини таклифларини қабул қилиш орқали электрон тарзда ўтказилади.
Давлат буюртмачиси:	Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).
Харид предмети:	Қарши тумани, Бешкент шаҳри Ровот МФЙ ҳудудидаги истироҳат боғини мукаммал таъмирлаш
Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:	954 832 427 (тўққиз юз эллик тўрт миллион саккиз юз ўттиз икки минг тўрт юз йигирма етти) сўм. Шундан ҚҚС: 124543360 (бир юз йигирма тўрт миллион беш юз қирқ уч минг уч юз олтмиш) сўм. Ишларни бажариш муддати шартнома имзолангандан сўнг 90 кунгача
Молиялаштириш манбаи ва валютаси:	Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган "Очиқ бюджет" жамғармаси маблағлари. Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси сўмда.
Тўлов шартлари:	Шартнома кучга кирганидан сўнг 30 фоиз миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади ва таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг, қолган 70 фоизи тўлаб берилади.
Танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили:	Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси
Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:	Исломов Илхом. Тел: 916341508. Қарши тумани, Ўзбекистон мустақиллиги МФЙ, Нурабод кўча №41/2 уй
Иштирокчилар томонидан таклифлар бериш муддати тугайдиган сана ва вақт:	Таклифлар давлат харидларининг электрон тизимида танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон қилинганидан сўнг, камида беш иш куни давомида, соат 9-00 дан 18-00 га қадар танлаш ўтказиладиган жойнинг манзили бўйича қабул қилинади.

<p>Танловда иштирок этиш шarti</p>	<p>Танловда иштирок этадиган талабгорлар куйидаги хужжатларни тақдим этишлари шарт. -Танлов иштирокчиси тўғрисидаги умумий ахборот (Устав ва Гувоҳномадан, Таъсисчилар ва рахбарнинг Паспорт нусхалари); -Танлов иштирокчиси томонидан, танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака хужжатлари; -Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланиладиган махсус техникалари ва машина механизмлари тўғрисидаги маълумотлар; - Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибасига оид хужжатлар. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш; -Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолатини белгиловчи хужжатлар; - Танлов иштирокчиси ишчи ходимлари тўғрисидаги маълумотлар; (Иштирокчилар танлов таклифларини махсус ахборот порталида эълон қилинган тартибда танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган манзил бўйича электрон тарзда махсус ахборот парталида жойлаштирадilar).</p>
<p>Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:</p>	<p>Харид комиссияси томонидан ўтказиладиган малака танловида хужжатларни электрон жойлаштирилишида, барча хужжатлар тўлиқ ва сифатли кўринишда бўлиши шарт. Хужжатлар асл нусхалари рангли сканер ҳолатида жойлаштирилади. Барча маълумотлар аниқ кўриниб туриши, шунингдек талабгор рахбар имзо ва муҳрлари билан тасдиқланган бўлиши шарт. Ёлгон ва нотўғри киритилган маълумотлар жойлаштирган (электрон тизим орқали ўрганилиб) иштирокчилар танловдан четлаштирилади. Барча иштирокчилар танловда катнашишда меъёрий хужжатлар талабларига риоя этишлари шарт. Хужжатларнинг сифат кўрсаткичлари ва тўғри расмийлаштирилишига алоҳида эътибор берилди</p>

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси Тех назоратчиси

 И. Исломов

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси ҳисобчиси

 А. Хўжақулов

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби

Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказди. Танлашнинг кейинги босқичига фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки малака танловини ўтказиш учун талабгорлар харид қилиш ҳужжатларининг 3-иловасида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Барча малака ҳужжатлари асл нусхаси электрон жойлаштирилиши шарт.

Малака ҳужжатлари талабгор томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида иштирокчининг таклифлари билан бирга юборилади.

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг тўлиқлиги харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) томонидан ўрганилади.

Бунда, котиб томонидан беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар ўрганилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар (ёки бошқа мамлакатларнинг ўхшаш манбалари);

иштирокчи фаолиятнинг лицензияланган тури билан шуғулланганда, унинг “Лицензия” ахборот тизими ёки лицензияловчи органларнинг расмий сайтларидаги лицензиялар реестрида мавжудлиги;

иштирокчиларнинг махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочилар реестрида, шунингдек тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи миқдорини камайтириш ҳуқуқини сунистеъмом қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

иштирокчининг ишбилармонлик обрўси тўғрисидаги, шу жумладан иштирокчиларнинг расмий веб-сайти, оммавий-ахборот воситалари, у аъзо бўлган тармоқ уюшмалари ва бирлашмалари ҳамда бошқа Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайт ва тегишли ахборот тизимлари орқали олинган маълумотлар.

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йиғилишида кўриб чиқилади

Харид комиссияси қуйидагиларни кўриб чиқади ва баҳолайди:

котиб томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини;

иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибаси;

иштирокчиларнинг молиявий ҳисоботлари, шунингдек солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги;

иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилининг мавжуд эмаслиги.

Иштирокчиларнинг малака танловини ўтказишда қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:

- малака танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;
- закат маблағларини тўлиқ миқдорда ўтказиб берган иштирокчилар (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда);
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;
- буюртмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;
- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;
- имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур ҳудудларда банк ҳисобрақамлари очган иштирокчилар;
- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;
- манфаатлар тўқнашуви ва аффилиланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;
- харид комиссияси томонидан ишчи-ҳодимлар малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси, иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки етказиб етказиб салоҳияти ва ёки қуввати етарли эмас деб топилган иштирокчилар;
- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар.

Малакавий баҳолаш мезонлари харид қилиш ҳужжатларини 4-иловасида келтирилган.

Дастлабки малака танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган қундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни хабардор қилади.

Дастлабки малака танловидан ўта олмаган иштирокчиларнинг техник ва нархга оид таклифлари кўриб чиқилмайди ва иштирокчиларга қайтариб берилмайди ва бу ҳақида иштирокчиларни таклифларини рўйхатга олиш китобида таклифларни қайтариб юбориш санаси ва вақти қайд этилади.

**Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи**

**Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бош ҳисобчиси**



Д. Даминов

А. Хўжақулов

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан, 2022 йилги жамоатчилик фикри асосида шаклланган, "Очиқ бюджет" жамғармаси ҳисобидан пудрат ишлари бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштириладиган эълон талабномалари

МАЛАКА ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ Р Ў Й Х А Т И


14.07.2022 йил


1	Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза
2	Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси
3	Кафолат хати, талабнома, танлашда иштирок этиш манзилли танлаш таклифи
4	Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк кафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда).
5	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлиги, аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тегишли даражада бажармаслик ҳолатлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи кафолат хатлари ва бошқа мавжуд ҳужжатлар
6	Молиявий ҳисоботлар (ташки аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда)
7	Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ҳодимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи ҳужжатлар
8	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси. Банк маълумотлари
9	Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза

ИЗОХ: Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси бошлиғи

Қарши тумани Ободонлаштириш
бошқармаси ҳисобчиси


Д. Даминов


А. Хўжақулов

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси

бошлиғи  Д. Даминов

" 14 "  2022 йил

Қарши тумани Ободонлаштириш бошқармаси томонидан, 2022 йилги жамоатчилик фикри асосида шакланган, "Очиқ бюджет" жамғармаси маблағлари ҳисобидан, Бешкент шаҳри Ровот МФЙ ҳудудидаги истироҳат боғини мукамал таъмирлаш ишлари бўйича "Энг яхши таклифларни танлаш" электрон тизимида жойлаштирилладиган эълон талабномасида,

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

№	ТАЛАБ НОМИ	БАЛЛ	ТАВСИФИ
1	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар	8	Низом ва гувоҳномадан, таъсисчи ва раҳбарнинг паспорт нусхалари. СТИР ракамлари. Статистик маълумотлар. Бошқа мавжуд ҳужжатлар
2	Танлов иштирокчиси томонидан, танловда иштирок этишини таъминлайдиган малака ҳужжатлари мавжудлиги	21	Танлашда иштирок этиши учун малака ҳужжатлари (1.Танлашда иштирок этиш учун харид комиссияси раиси номига ёзилган ариза; 2.Танлаш предмети бўйича таклиф; 3.Молиявий ҳисоботлар; 4.Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатларида эмаслиги, аудиторлик хулосаси; 5.Бунюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришмаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар; 6.Кафолат хати; 7.Харид комиссияси раиси номига ёзилган Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза;)
3	Танлов иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланиладиган махсус техникалари мавжудлиги	16	Танлов иштирокчисининг махсус техникалари ва машина механизмалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, техпаспортлар. Ижара асосида фойдаланиладиган техникалар бўйича тасдиқланган ижара шартномаси ва тех паспортлар бўлиши шарт. Бунда лойиха смета ҳужжатларида кўрсатилган таъмирлаш ишларида фойдаланиладиган техникалар ва бошқа механизмлар инobatга олинади
4	Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. Шунингдек жорий танлаш объекти ҳолатини ўрганиш	15	1. Охириги 3 йил давомида бажарилган ишлари бўйича Ф-2 ва Ф-5 маълумотлари; 2.Аввалги таъмирлаш ишлари бўйича тегишли бунюртмачилар томонидан бир неча ижобий тавсияномалар, ёки хулосалар; 3.Жорий танлаш объектини жойида ўрганилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (Масалан: Маҳалла ва қишлоқлар, ёки бошқа мутасадди вакилларида олинган маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар)
5	Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолатини кўрсатувчи маълумотлар жамланмаси	32	1.Пудрат ташкилотининг умумқурилиш ишлари бўйича электрон рейтинги тугрисида маълумот (талабгорлар томонидан тақдим этилган энг юкори ва энг паст рейтинг балларга қараб нисбий баҳоланади); 2.Тўловга қодирлиги ва Банк ҳисоб рақамидаги (танлов объекти бошланғич нархининг 20% миқдорида) маблағлар қолдиғи. 3.Солик, банк кредитлари ва бошқа туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар. 4. Объект таъмирлаш ишлари бўйича лот рақами кўрсатилган манзилли Банк кафолатининг мавжудлиги.
6	Танлов иштирокчисининг ишчи ходимлари тўғрисидаги маълумотлар	8	Ходимлар сони ва тажрибаси тугрисида маълумотлар
	ЖАМИ	100	







Изоҳ: Юқоридаги талабларда кўрсатилган (муддат билан боғлиқ аҳамиятга эга бўлган) маълумотлар барчаси жорий ҳолатда (танлаш эълони амалда бўлган даврлар ҳолатида) тақдим этилиши лозим. Шунингдек маълумотлар асл нусхаси сканерланган ҳолатида жойлаштирилиши шарт. Маълумотларнинг тўғрилиги электрон ва бошқа сўровлар орқали текшириб кўрилиши мумкин. Ёлғон ва ўзгартирилган маълумотлар киритган иштирокчилар аниқланганда ушбу иштирокчилар танловдан четлаштирилади.

Танлов якуни бўйича баҳолаш натижаларидан норози бўлган иштирокчилар, Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2022 йилги ЎРҚ-684-сон "Давлат харидлари тўғрисида" қонунининг 62-моддасига асосан, ўз шахсий кабинетлари орқали 2 иш кунида электрон тизим орқали аниқ далилларга асосланган ҳолда ўз эътирозларини жойлаштиришлари мумкин.

Харид комиссиясини чалғитиш мақсадида юқоридаги талабларга мувофиқ бўлмаган, ёки сўралмаган жуда катта форматдаги ортиқча маълумотлар (файллар очилмай қолиши мумкинлиги муносабати билан) жойлаштирилмаслигини ва ушбу маълумотлар кўриб чиқилмаслиги ва баҳоланмаслигини маълум қиламиз. Хар бир маълумот фақатгина (файл юкланадиган махсус дарчада) талаб қилинган позицияда жойлаштирилиши шарт. Барча маълумотлар аниқ, раво кўриниши ва тўғри расмийлаштирилган булиши шарт!

Агар икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Шунингдек муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмаслиги тўғрисида огохлантирамиз.

- Танлаш харид комиссияси раиси ✓
- Танлаш харид комиссияси аъзоси ✓
- Танлаш харид комиссияси аъзоси ✓
- Танлаш харид комиссияси аъзоси ✓
- Танлаш харид комиссияси аъзоси ✓
- Танлаш харид комиссияси масъул котиби ✓

 Худойназаров Илхом
 Исломов Илхом
 Хасанов Илхом
 Шербоев Олим
 Турсунов Матёқуб
 Файзиев Фурқат